



Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси II ҚУРУЛТОЙИ ҚАРОРИ

2025 йил 14 август

II-1-сонли

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг 2020 йил августдан 2025 йил августгача даврдаги фаолияти юзасидан Республика кенгашининг ҳисоботи тўғрисида

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан таълим тизимини ривожлантириш давлатнинг устувор вазифалари қаторига киритилди. Чунки, жамият ҳаётида ўқитувчининг ўрни ва таъсири ошса – мактабнинг обрўи ошади, илм-фан, таълим ва тарбия соҳасининг қадри кўтарилади. Муаллимнинг обрў-эътибори эса бу миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътиборидир.

Соҳада ислохотларни изчил ва самарали амалга оширишда муҳим бўлган ҳуқуқий база яратилди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонунлари, Президентимизнинг ўнлаб фармон ва қарорлари ёшларимизнинг таълим олиши учун шароит яратиш, таълим сифатини ошириш билан бир қаторда педагог касбининг жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишга хизмат қилмоқда.

Мактабгача таълимда қамров 76 фоизга етгани, олий таълимда эса 39 фоиздан ошгани мамлакатимизда “Инсон қадри учун” деган тамойил барча ислохотларнинг асосини ташкил қилаётганидан далолат беради.

Тараққиётимиз дастури бўлмиш “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича янги мақсад ва режалар белгиланган.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ижтимоий шерик ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари билан имзоланган Тармоқ келишувлари асосида таълим ва фан соҳаси ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда.

Нодавлат-нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Адлия вазирлигининг “Энг шаффоф нодавлат-нотижорат ташкилотлари топ-20” рўйхатидан Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳам ўрин олди ҳамда сертификат билан тақдирланди.

2021 йил 1 январь ҳолатига тармоқ касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари сони 17 328 та бўлса, 2025 йил 1 январь ҳолатига статистик ҳисоботлар якунига кўра тармоғимизда 18 551 тани ташкил этмоқда. Ўтган беш йил давомида бошланғич ташкилотлар сони 1 223 тага кўпайган.

2021 йил 1 январь ҳолатига таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси аъзолари сони 1 466 491 нафарни ташкил этган бўлса, 2025 йил 1 январь ҳолатига 1 944 847 нафарга етиб, 478 356 нафарга ортган.

Ўтган беш йил давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси малака ошириш институти нодавлат таълим муассасасида тармоқ касаба уюшмаси туман (шаҳар) бўлинма кенгашларининг барча раислари ва ҳисобчилари, 25 нафар асосий ишдан озод этилган кўмита раислари, 1 702 нафар бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг жамоатчилик асосида янги сайланган кўмита раислари малакаси оширилди.

Тармоқ келишувига ҳамда Республика кенгаши сўровига асосан, 1 октябрь - “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни” байрами, 11 ноябрь “Касаба уюшмалари куни” муносабати билан касаба уюшмаси ҳамда таълим тизимида фаолият кўрсатаётган бир қатор фаол ходимларни, педагогларни Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан “Халқ таълими фидойиси” ҳамда “Халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирлаш ҳам анъанага айланган. Ҳар йили 50 дан зиёд касаба уюшмаси аъзоларига Республика кенгаши томонидан ушбу унвонлар топширилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, меҳнат қобилятини йўқотган ходимларга ва боқувчисини йўқотган оилаларга товон пули ва етказилган зарар тўловларининг ўз вақтида тўланиши назоратга олинган.

Ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 4 марта судларга мурожаат қилинган ва 750 млн сўмдан ортиқ ходимнинг соғлиғига етказилган зарар учун тўланиши керак бўлган пул маблағлари ундириб берилган.

Тармоқ тизимидаги бошланғич ташкилотларда 2020-2025 йиллар давомида 31 та бахтсиз ҳодиса содир бўлган. Бунда ўлим ҳолатлари 11 та ва жароҳат олганлар сони 18 тани ташкил этди.

Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови ҳар йили ўтказилиб келинмоқда.

2020-2025 йиллар давомида Республика бўйича соҳа ходимларидан умумий 230499 та, шундан 195741 та ёзма, 34168 та оғзаки, 590 та электрон мурожаатлар кўриб чиқилган, амалий ёрдам ва тегишли ҳуқуқий тушунтиришлар берилган.

Тушган мурожаатларни йўналишлар бўйича кўрадиган бўлсак, меҳнат муҳофазасига оид 2773 та, иш ҳақи, мукофот, иш вақти ва таътиллар бўйича 9267 та, меҳнат шартномасини бекор қилиш, ўзгартириш, интизомий жазо қўллашга оид 5241 та, моддий ёрдам ва санаторийларга йўлланма ажратиш бўйича 193719 та, касаба уюшмаси фаолиятига оид масалалар 12756 та, касаба уюшмасига оид бўлмаган бошқа масалалар бўйича 6068 та, такрорий мурожаатлар 575 тани ташкил этади. Шундан 199686 та мурожаат қаноатлантирилган, 26381 та мурожаат бўйича тушунтириш берилган, 718 та мурожаат рад этилган, 5 та мурожаат аноним, 108 та мурожаат тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотга юборилган.

Ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб иш берувчиларга киритилган 117 та тақдимномаларнинг 95 таси қаноатлантирилиб, қонун бузилиши ҳолатлари бартараф этилган. 3552 нафар ходимларнинг ҳуқуқлари тикланиб, ходимларга жами 2 415 657 000 сўм иш ҳақи ва бошқа тўловлар ундириб берилишига эришилган.

2021 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мукофоти Лауреати Республика кўрик-танлови ўтказилди. Танловда иштирок этиш

истагини билдирган 5 692 нафар ўқитувчиларнинг узок йиллик педагогик меҳнат стажи, малака тоифаси, илмий даражаси, сўнгги беш йилдаги ўқувчиларини эришган ютуқлари ҳамда ўз фаолиятининг республика миқёсида оммалаштирилганлиги каби мезонлари экспертлар томонидан баҳоланиб, 2 714 нафар ўқитувчилар саралаб олинди ва кўрик-танловнинг иккинчи босқичига йўланма берилди.

Бир неча саралаш босқичларидан сўнг танловнинг Республика босқичида математика, физика, кимё, биология, информатика ва ахборот технологиялари, инглиз тили фанларидан 90 нафар ўқитувчилар иштирок этиб, яқунда 18 нафар ғолиблар аниқланди.

2021 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида умумтаълим мактабларининг 10-11 синф ўқувчилари ўртасида “Менинг Президентим” ижодий ишлар танлови ўтказилди.

“Менинг Президентим” ижодий ишлар танловининг мактаб, туман (шаҳар), ҳамда ҳудудий босқичларида умумтаълим мактабларининг 600 минг нафарга яқин ўқувчилар қатнашиб, шулардан энг яхши ижодий ишлар муаллифлари бўлган 45 нафари республика босқичида иштирок этишди.

2022 йилда “Олий таълим муассасаларининг бакалавр таълим йўналиши талабалари ўртасида “Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!” шиори остидаги республика эсселар танлови ўтказилди.

Ғолибларга мутаносиб равишда диплом ва 30, 20, 10 миллион сўмдан пул мукофоти берилди.

11 ноябрь – Ўзбекистон қасаба уюшмалари кунини муносабати 2022 йил октябрь-ноябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида “Ёш китобхон” танлови ўтказилди. Танлов ғолиблари 11 ноябрь – Ўзбекистон қасаба уюшмалари кунини муносабати билан ташкил этиладиган тадбирларда қиймати 825 млн. сўмга тенг 30 мингдан ортиқ китоблар жамланмаси билан тақдирланди.

2023 йил “Соғлом танда – сифатли таълим” шиори остида Қасаба уюшмаси кубоги спорт мусобақалари ўтказилди. 208 та туман (шаҳар)ларда бўлиб ўтган мусобақанинг иккинчи босқичи ғолиб ва совриндорлари Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси туман (шаҳар) кенгашлари томонидан 2,3 млрд. сўмлик эсдалик совғалари билан тақдирланди.

2025 йил 21-27 апрель кунлари Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси ҳафталиги ташкил этилди.

Ушбу Ҳафталикда ташкил этилган қуйидаги тадбирлар ва учрашувларда 850 минг нафардан ортиқ қасаба уюшмаси аъзоларининг иштироки таъминланди.

Бухоро шаҳрида қасаба уюшмаси аъзолари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини ташкил этилди.

“Энг яхши ёш олим” кўрик-танлови ташкил этилди. Танловнинг қуйи босқич синовларидан ўтиб якуний босқичга етиб келган 15 нафар ёш олимлар учта йўналиш - физика-математика ва техника фанлари, кимё, биология, тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги фанлари, ижтимоий-гуманитар фанлари йўналишлари бўйича тақдирланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан таълим соҳаси ходимлари ўртасида “Касаба уюшмалари кеча, бугун ва эртага” номли эсселар танлови ўтказилди, унда 150 мингдан ортиқ касаба уюшмаси аъзолари иштирок этишди.

Касаба уюшмаси ва таълим соҳасида узок йил самарали фаолият юритган устозларнинг тажрибаларини ўрганиш мақсадида ҳар бир ҳудудда “Ўз касбининг фидоийлари”, “Уч авлод учрашуви”, “Фахрийлар – касаба уюшмаси эъзозиди” каби устоз-шогирд анъанаси давомчилари билан учрашувлар ташкил этилди. Учрашувларда фахрийлар, бугунги кунда тажриба орттириб бораётган фаоллар ва соҳага янги кириб келган ходимлар иштирок этиб, сўнгги йиллар давомида касаба уюшмаси ҳаракатининг ривожланиши, жамият ҳаётидаги тутган ўрни ҳақида суҳбатлар уюштирилди.

Касаба уюшмаси аъзоларини Ўзбекистоннинг тарихий ва қадимий масканлари, замонавий бунёдкорлик намуналари билан яқиндан таништириш мақсадида “Янги Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” шиори остида Республикамиз бўйлаб саёҳатлар уюштирилди. Ҳафталик давомида беш минг нафардан ортиқ касаба уюшмаси ва таълим соҳаси фахрийлари, касаба уюшмаси фаоллари ва ёшларнинг саёҳати ташкил этилди.

Бугунги кунда, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан хорижий давлатлар турдош ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик Меморандиумлари имзоланган.

2014 йил 22 октябрда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон Осиё-Тинч океани минтақасидан Европа минтақасига ўтказилди. 2017 йилдан Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Халқаро таълим ташкилоти (Education International)нинг ҳудудий тузилмаси бўлган Халқаро таълим касаба уюшмалари Европа қўмитаси (ETUCE) тўлақонли аъзолигига қабул қилинди.

Республика кенгашининг “Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг 2020 йил августдан 2025 йил августгача даврдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи”ни тинглаб ва муҳокама қилиб, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси II Қурултойи **қарор қилади:**

1. Республика кенгашининг “Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг 2020 йил августдан 2025 йил августгача даврдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи” маълумот учун қабул қилинсин (илова қилинади) ва фаолияти қониқарли деб топилсин.

2. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикасининг Касаба уюшмалари тўғрисида Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Савдо-Саноат палатаси ўртасида тузилган Бош жамоа Келишуви ва Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Устави асосида самарали фаолият юритганлигини ҳамда ўз олдида қўйган вазифалар ижросини таъминлаш борасида изчил ҳаракат олиб борганлиги эътироф этилсин.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси фаолиятининг 2026-2030 йилларга мўлжалланган Устувор вазифалари этиб белгилансин:

-“Янги Ўзбекистон - янги касаба уюшмалари” шиори барча йўналишдаги фаолиятнинг асосий ғояси бўлиши;

-фаолиятни рақамлаштириш ва юқори даражадаги ахборот технологиялар асосида ишни ташкил қилиш. Бугун сунъий интеллект барча бўғинда ўз салоҳиятини кўрсатиб бормоқда, шундай шароитда замонга мослашиб, ходимларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникма ва малакасини ошириб бориш;

-бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг фаолиятини юқори даражага кўтариш, ҳар бир касаба уюшма аъзосининг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш чоралари кўриш;

-ташкилот ва муассасаларда иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори стандартларига иш берувчилар томонидан риоя этилишини назорат қилиш, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган тарзда ушлаб қолишларга йўл қўймаслик, ходимларга тўланаётган ҳақ уларнинг малакасига ва меҳнат шароитларига мувофиқлигини таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлашда ҳаддан ташқари табақаланишни камайтириш ва камситишларга йўл қўймаслик;

-меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш орқали меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар фаолиятини тизимли йўлга қўйиш ва рағбатлантиришни амалга ошириш;

-ходимларнинг меҳнат қилиш, муносиб ва беҳатар меҳнат шароитларига эга бўлиш каби конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати ўтказиб бориш;

-фуқаролик жамиятининг барча асосий қонунлари, норматив ҳужжатлари ижроси устидан самарали жамоат назоратини олиб боришдан иборат.

4. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлима кенгашларига, Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма кўмитасига:

-касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш механизмини такомиллаштириш, ходимларнинг иш ҳақини ўз вақтида олиш ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, дам олишлари учун шароит яратиб бериш ишларини ижтимоий шерикчилик асосида жамоа келишувлари ва шартномалари орқали амалга ошириш;

-ҳуқуқий ҳимоя механизмларини такомиллаштириш орқали ижтимоий-меҳнат соҳасида қонунлар ижроси юзасидан касаба уюшмалари жамоатчилик назоратининг ягона ва марказлашган тизимини шакллантириш, низоларни судгача ҳал қилиш механизмини жонлантириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш;

-фуқароларга ижтимоий-меҳнат соҳасида бепул ҳуқуқий-консультатив ёрдам кўламини кенгайтиришга эътибор қаратиш;

-мехнат муҳофазаси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг шакл ва усулларини янада такомиллаштириш, мехнатни муҳофаза қилиш ишларига эътиборни кучайтириш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, касаба уюшма аъзоларига хавфсиз иш шароити яратиб берилишини назорат қилиш, техник ходимларнинг мавжуд иш ўринларини аттестациядан ўтказишга, мехнат муҳофазаси бўйича битимларда белгиланган тадбирларнинг ижросини таъминлашга эришиш;

-ташкilot ва муассасаларда ишловчи ва ўқувчи ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни касаба уюшма аъзолигига кенг жалб этиш, касаба уюшмалари фаоллари сафини ёшлар билан мустаҳкамлаш;

-барча даражадаги касаба уюшма органлари ишида Ёшлар кенгашлари вакилларининг иштирокини таъминлаш, ёшлар ўртасида турли маданий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар, фестиваллар, форумлар ўтказиш орқали уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда улар онгида Ватанга садоқат, миллий қадриятларга хурмат ҳиссини шакллантириш;

-бандлик дастурларини амалга оширилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар, касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш;

-Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилишида фаол иштирок этиш;

-ходимлар ўртасида маданий-маърифий ва спорт тадбирларини тизимли равишда ташкил қилиш, ходимлар гимнастикасини тўлиқ жорий этилишига эришиш, туристик саёҳатларнинг кўламини кенгайтириш;

-барча ходимлар, талабалар ва ўқувчилар иштирок этишларини таъминлаган ҳолда “Маърифат соатлар”да фан арбоблари, шоирлар, юксак ҳаёт ва мехнат тажрибасига эга шахсларни жалб этиш орқали мавзуларни бойитиш;

-жамоатчилик билан алоқаларни янада ривожлантириш, барча даражадаги касаба уюшмалари ташкilotлари фаолиятининг очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш;

-Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ташкilotларини ягона ахборот майдонига бирлаштириш, интерактив хизматларни ташкил қилиш;

-халқаро мехнат стандартлари, мехнат муносабатлари бўйича иш берувчилар учун ўқув-семинарлар ташкил этиб боришни йўлга қўйиш орқали мажбурий ва болалар мехнатига йўл қўйилмаслигига эришиш;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш, ушбу соҳаларда фаолият кўрсатаётган ходимларни касаба уюшмасига кенгроқ жалб этиш;

-барча даражадаги тармоқ касаба уюшмалари ташкilotларининг хотин-қизлар комиссияси фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, уни янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

-бошланғич касаба уюшмаларининг мавқеини янада мустаҳкамлаш, касаба уюшмаларига янги аъзоларни жалб қилишни кучайтириш мақсадида республика, маҳаллий оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш;

-барча даражадаги тармоқ касаба уюшмалари ташкилотларининг касаба уюшма маблағларни мақсадли ва самарали сарфланишида молиявий интизомга қатъий риоя этилишини таъминлаш;

-тармоқ касаба уюшмаси ташкилотлари ўз фаолиятларини Устав талаблари ва меъёрий ҳужжатларга ҳамда ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида йўналтириш, қуйи ташкилотлар фаолларига амалий ёрдам кўламини кенгайтириш вазифалари топширилсин.

5. Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва назорат қилиш тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия кўмитасига топширилсин.

Раислик қилувчи:

